

ХУЛОСАЛАР

БМИ доирасидаги таҳлил ва натижаларнинг кўрсатишича:

- Сув омборини лойқа-чўкиндиларга тўлиб бориши эксплуатациянинг бошланғич йиллари жадаллашган. Охириги йиллардаги кузатув маълумотларида лойқа-чўкиндилар миқдори лойиҳавийнинг ўртача йиллик миқдorigа нисбатан камайганлигини кўрсатмоқда:
- Марказий Осиё сув омборлари сувларининг ўртача ойлик умумий қаттиқлиги белгилаган бошланғич меъеридан 2- ммол/ дм³ дан ошиб кетади, хусусан Охангарон сув омбори сувининг каттиқлиги 2 дан 5 ммол/ дм³ гача бўлган ;
- Марказий Осиё сув омборлари сув минерализациясининг ўртача кўпйиллик миқдори кенг миқъёсда ўзгаради (223,1- 102,0 мг/дм³). Охангарон сув омборининг минерализацияси 300 мг/дм³ гача ўзгариши аниқланди;
- Охангарон сув омбори гидрокимёвий режимининг шаклланишига Охангарон дарёси оқими бевосита таъсир кўрсатади. Охангарон дарёси сув омборини асосан март-июнь ойлари даврида сув билан таъминлайди ва қолган даврда сув омбори ер ости сувлари билан таъминланади.